

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

**ВАҚТЛИ МАТБУОТНИ ТАРҚАТИШ КОРХОНАЛАРИНИ БОШҚАРИШ
ТУЗИЛМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Вақтли матбуотни тарқатиш корхоналарини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш ва уларнинг ягона тармоғини ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси аҳолисини чакана савдо ҳамда обуна орқали матбуот маҳсулоти билан таъминлаш, уни етказиб беришни жадаллаштириш ва унинг нархини пасайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги, «Матбуот тарқатувчи» ва «Матбуот тарқатиш маркази» ёпиқ акциядорлик жамиятлари, вақтли матбуотни тарқатиш билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг «Матбуот тарқатувчи» ва «Матбуот тарқатиш маркази» ёпиқ акциядорлик жамиятлари негизида «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

республика аҳолисининг ва бошқа давлатларнинг Ўзбекистон Республикаси вақтли матбуотига бўлган эҳтиёжини қондириш;

вақтли нашрларга бўлган эҳтиёж маркетинги ва мониторингини ташкил этиш;

вақтли матбуотни чакана савдо дўконлари тармоғи ва вақтли матбуотни тарқатувчилар орқали тарқатишни таъминлаш;

чакана савдо дўконлари тармоғини оқилона ва самарали жойлаштириш ҳамда ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

«Ўзбекистон почтаси» давлат-акциядорлик компанияси корхоналари билан биргаликда вақтли матбуот истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб берилишини, шунингдек, вақтли матбуотга обуна бўлишни ташкил қилиш ва унинг алоқа бўлимлари тармоқлари орқали сотилишини таъминлаш.

3. Маълумот учун қабул қилинсинки:

«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси очик акциядорлик жамияти шаклида таъсис этилади, унинг устав фонди [1-иловага](#) мувофиқ «Матбуот тарқатувчи» ва «Матбуот тарқатиш маркази» ёпиқ акциядорлик жамиятлари мол-мулки, шунингдек, акциядорлик жамиятлари ва масъулияти чекланган жамиятлар мол-мулкидаги давлат улушининг бир қисми ҳисобидан шакллантирилади;

«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясининг хўжалик фаолияти, шу жумладан, унинг ижро этувчи аппарати харажатлари хўжалик фаолияти, хизматлар кўрсатиш ва бошқа даромадлар ҳисобига маблағ билан таъминланади;

«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси «Матбуот тарқатувчи» ва «Матбуот тарқатиш маркази» ёпиқ акциядорлик жамиятларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича уларнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси компания таркибига кирувчи корхоналарни ушбу корхоналарнинг унга тегишли пакетлари (улушлари)га мувофиқ бошқаради. Бунда компания шўъба корхоналар бўйича йиғма баланс тузади.

4. «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясининг ташкилий тузилмасига ва унинг ходимларининг чекланган (хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) сони 33 кишидан иборат бўлган ижро этувчи аппарати тузилмасига [2](#) ва [3-иловаларга](#) мувофиқ розилик берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2 апрелдаги 154-сон [қарорига](#) мувофиқ бюджет ташкилотларидан бўшайдиган енгил

автомобилларни, улардан вақтли нашрларни етказиб беришда мақсадли фойдаланиш учун, шакллантириладиган устав жамғармасидаги давлат улуши сифатида вақтли матбуотни тарқатувчи корхоналар балансига 4-иловага* мувофиқ берсин.

* 4-илова берилмайди.

6. «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси акциялар пакетини тарқатишнинг қуйидаги тартиби белгилансин:

давлат улуши — 26 фоиз;

меҳнат жамоаси улуши — 25 фоиз;

эркин сотиладиган, шу жумладан, хорижий инвесторларга сотиладиган улуш — 49-фоиз.

7. Нашриётларга, газета ва журналлар таҳририятларига «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси билан вақтли матбуотни тарқатиш юзасидан бош битим тузишни таъминлаш тавсия этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ҳамда «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси билан биргаликда хорижий мамлакатлар билан вақтли матбуотни ва китоб маҳсулотини айирбошлаш, тарқатиш бўйича ҳукуматлараро битимлар тузиш юзасидан белгиланган тартибда уч ой муддатда таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси корхоналари томонидан топшириладиган нақд пул маблағларини инкассация қилиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар учун тарифларни, кўрсатилган хизматлардан фойда олишни кўзламаган ҳолда, амалдаги харажатларнинг қопланишини таъминлайдиган тариф ставкаси доирасида қўллаш тавсия қилинсин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари алоқа бўлимлари, вақтли матбуот сотиладиган савдо тармоқларини одамлар гавжум жойларда, жамоат жойларида, янги объектлар барпо этиладиган ҳудудларда қуришни назарда тутсинлар.

11. Вазирлар Маҳкамасининг Коммуникациялар комплекси белгиланган тартибда «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясида давлат ишончли вакилини тайинласин. Белгилансинки, давлат ишончли вакили Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг бевосита раҳбарлигида фаолият кўрсатади.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Л.А. Аҳметов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.А. Каримов

Тошкент ш.,
1999 йил 13 сентябрь,
418-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 13 сентябрдаги 418-сон [қарорига](#)
1-ИЛОВА

**«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясининг бошланғич устав
жамғармасининг**

ШАКЛЛАНТИРИЛИШИ

Т/р	Корхоналар номи	Компаниянинг устав фондига берилаётган акциядорлик жамиятлари ва масъулияти чекланган жамиятлар мол-мулки қиймати		Шу жумладан, давлат улуши	
		%	минг сўм	%	минг сўм
1.	«Матбуот уюшмаси»	37,7	1665,2	37,7	1665,2

	масъулияти чекланган жамият. Қорақалпоғистон Республикаси				
2.	«Матбуот уюшмаси» масъулияти чекланган жамият. Андижон вилояти	51	2207,7	51	2207,7
3.	«Матбуот тарқатувчи» масъулияти чекланган жамият. Бухоро вилояти	51	1361,2	51	1361,2
4.	«Матбуот тарқатувчи» масъулияти чекланган жамият. Жиззах вилояти	51	412,5	51	412,5
5.	«Матбуот» масъулияти чекланган жамият. Наманган вилояти	51	1313,0	51	1313,0
6.	«Матбуот уюшмаси» масъулияти чекланган жамият. Навоий вилояти	51	2645,0	51	2645,0
7.	«Матбуот уюшмаси» масъулияти чекланган жамият. Самарқанд вилояти	51	896,0	51	896,0
8.	«Матбуот уюшмаси» масъулияти чекланган жамият. Сурхондарё вилояти	51	240,4	51	240,4
9.	«Матбуот уюшмаси» масъулияти чекланган жамият. Сирдарё вилояти	51	570,0	51	570,0
10.	«Матбуот уюшмаси» акциядорлик жамияти. Фарғона вилояти	51	1725,4	51	1725,4
11.	«Матбуотчи» масъулияти чекланган жамият. Қашқадарё вилояти	51	603,2	51	603,2
12.	«Матбуот уюшмаси» акциядорлик жамияти. Хоразм вилояти	51	1070,0	51	1070,0
13.	«Матбуот тарқатиш» масъулияти чекланган жамият. Тошкент вилояти	51	477,4	51	477,4
14.	«Матбуот тарқатиш уюшмаси» масъулияти чекланган жамият. Тошкент шаҳри	35,6	5900,6	35,6	5900,6
15.	«Матбуот тарқатувчи» ёпиқ акциядорлик жамияти	100	31934,8	4,2	1334,8
16.	«Матбуот тарқатиш маркази» ёпиқ акциядорлик жамияти	100	5000,0	26,0	1300,0
	Компаниянинг устав фонди		58022,4	40,9	23722,4

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 13 сентябрдаги 418-сон [қарорига](#)
2-ИЛОВА

**«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясининг ташкилий
ТУЗИЛМАСИ**

[Олдинги таҳрирга қаранг.](#)



*(2-илова матни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 майдаги
215-сонли [қарори](#) таҳририда— ЎР ҚХТ, 2004 й., 19-сон, 220-модда)*

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 13 сентябрдаги 418-сон [қарорига](#)
3-ИЛОВА

**«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясини бошқариш аппаратининг
ТУЗИЛМАСИ**

